


ДИЛМУРОД ХОЛДОРОВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК  
ҚИССАЛАРИДА БАДИИЙ  
УСЛУБ МУАММОСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛМУРОД ХОЛДОРОВ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК  
ҚИССАЛАРИДА БАДИИЙ  
УСЛУБ МУАММОСИ**

*(Монография)*

“FIRDAVS-SHOH” NAШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3(Ў3б)

X 72

Масъул муҳаррир:

Баҳодир Қаримов,

филология фанлари доктори, профессор

#### Тақригчилар:

Умарали Норматов, филология фанлари доктори, профессор

Абдулла Усубов, филология фанлари номзоди, доцент

Холдоров, Дилмурод

X 72 Хозирги ўзбек қиссаларида бадний услуб муаммоси [Матн]  
монография / Дилмурод Холдоров. – Тошкент: "Friday-Shoh"  
нашриёти, 2021. – 136 б.

Ушбу монография ҳозирги ўзбек қиссаларида бадний услуб муаммосини тадқиқ этишга бағишланган. Шу жиҳатдан кейинги давр ўзбек қиссаларида рўй бераётган сифат ўзгаришлари, қисса жанри услубидаги янгиланишларни бутунги ўқувнига оригинал қисса намуналарини тақдим этаётган Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул ижоди масолида тадқиқ этиш кўзда тутилади. Шунингдек, назарий фикрларни асослаш учун Абдулла Қодирий, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ва истиқдодли даври қиссанингизининг истеъдодли вакиллари Нормурод Норқобитов, Шодиқул Ҳамро, Улуғбек Ҳамдам ижодида ҳам ўрни-ўрни билан мурожаат қилинади.

Монография ҳозирги адабий жараён, замонавий ўзбек насри, янги ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек медалери адабиёти, услубшунослик билан шугулланишни истаган филолог-мутахассислар учун мўлжалланган.

Монография Алишер Навоий номидаси Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан (24.10.2020 йил, 4-сонли мажлис баёанамаси) нашрга тасвля этилган.

ISBN 978-9943-6696-0-4

© Дилмурод ХОЛДОРОВ, 2021

© "Friday-Shoh" нашриёти, 2021

## КИРИШ

Жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар кншлар тафаккури ва дунёқарашда ҳам янгилашларни вужудга келтиради. Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаётни унда яшайётган одамларнинг ҳалб кечинмаларини акс эттираркан туб ўзгаришлар, аввало, бадиий адабиётда ўз ифодасини топиши "зеро, "Адабиёт ва санъатта, маданиятта эътибор – бу аввало ҳақиқатга эътибор, келажатимизга эътибор", – деган сўзлар билан адабиёт ва санъатнинг кншиллик жамиятидаги беқияс ўрни ҳақидаги фикрлар мужассам. Бутунги дунда бадиий адабиётнинг ижод аҳлига бўлган муносабат ўзгарди, хусусан, бадиий ифода услублари ҳамда воқеликни тасвирлаш услубларида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй берди.

Мустақиллик арафаси ва мустақиллик даврида майдонга келган асарларнинг мавзу кўлами, савияси ва ҳажми турлича. Ўзбек қиссаларида рўй бераётган сифат ўзгаришлари, қисса жанри услубидаги янгиланишларни кншларга оригинал қисса намуналарини тақдим этаётган Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул ижоди масолида тадқиқ этиш, адабий жараёнда кечаётган услубий янгиланишлар, инсон муаммосининг турли ракурсларда акс этиши, турфа образлар дунеси умумлашган ҳолатда намоён бўлаётганини тасдиқлашга хизмат қилади. Ш Бўтаев, Н Эшонкул ижодида бутунги қиссалар услубининг етакчи хусусиятлари замонавийнинг долзарб ижтимоий-маънавий муаммоларини бадиий тақдир этилаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, бутунги ўзбек қиссаларининг бадиий услуби муаммосини изчил монографияк йўсинда тадқиқ этилмаган, истиқдодли давридаги эркин ижодий муҳит шароитлари қисса жанри тараққиёти ва ўзига хос жиҳатлари илмий

<sup>1</sup> Мирзиёва Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – ҳақиқий маънавий олинмиш юксалтиришнинг муштажам пойдевори шир // Халқ сўзи, 2017, 4 август